

АСТРОБОД ҲАҚИДА АЙРИМ ҚАЙДЛАР

Журайев Шерзод Норович
Ориентал университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Темурийлар даврида Астробод шаҳрининг нега анча машҳур бўлганлигини очиб беришга ҳаракат қилинди. Астробод шаҳри ҳақида манбаларда келган айрим малумотлар келтирилди.

Калит сўзлар: Астробод, Esterin, Мирзо Жаҳоншоҳ, Гулафшон, Мирзо Султон Ҳусайн, Журжон.

Хуросон темурийлари даврида энг машҳур ва таҳликали шаҳарлардан бири Астробод бўлганлигини кўзатиш мумкин. Астробод- салтанат пойтахти Ҳиротдан анча йироқда бўлганлиги учун кўпчилик амалдорларга бу шаҳар ҳақида ваҳимали хабарлар тарқалганди. Алишер Навоийнинг Астробод ҳокими қилиб жўнатилиши, Астробод сургуни номини олиши ва Астробод шаҳрини маълум маънода яна машҳур қилди. Хўш нега Астробод деб уйлаш ва қизиқиш ортидан шаҳар ҳақида айрим қайдларни йиғишни бошладик. Айрим манбаларда келтирилишича Зардуштийлик динида Астробод шаҳрининг маъноси юлдуз маъносида келади ёки Сосоний шоҳи Ардашернинг яҳудий хотини бўлган уни Esterin деб аташган айнан шунинг исмидан олинган¹ деган тахминлар мавжуд.

Астробод ҳозирги Эроннинг шимолида жойлашган кичик шаҳар бўлиб, Гўргон деб аталади. Амир Темур бобомизнинг ашаддий душмани бўлган Қора Юсуф туркман авлодидан энг каттаси бўлган Мирзо Жаҳоншоҳ Шохруҳ мирзо учинчи бор Озарбайжон мамлакатини фатҳ этгач Мирзо Жаҳоншоҳ бўйсунидан иложи йўқлигини тушуниб етди ва Шохруҳ мирзога бўйсунди. Озарбайжон мамлакатини бошқариш Мирзо Жаҳоншоҳга берилади. Мозандарон вилояти маркази Астробод бўлиб, бу ўлка Темурийларнинг чегара мулки эканлиги ва рамзий маънода Хуросоннинг ғарбий дарвозаси эди. Мирзо Абдулқосим Мирзо вафот этгач, Мирзо Жаҳоншоҳ Мозандаронни эгаллаб катта тезликда Ҳирот томон юради ва Ҳиротни эгаллайди. Мозандарон эгалланиши арафасида темурий шахзода Шох Маҳмуд эса шахзода Султон Иброҳимдан қочиб келиб, Астрободга келади. Амир Бобо Ҳусайн бу вақтда Астробод ҳокими эди. Султон Иброҳим Машҳаддан келиб, Астрободни қуршовга олади. Икки

¹ <https://islamdusunceatlasi.org/mekanlar/esterabad/137>

шаҳзода урушиб турганда Мозандарон сардорлари мирзо Жаҳоншоҳни шаҳарни эгаллашга чорлашади. Бу туркман шаҳзодаси ҳам қулай вазиятдан фойдаланиб Мозандаронни эгаллаш учун юриш қилади. Орада Султон Иброҳим туркманларнинг келишини амирлар кўрқоқлигидан ўйлаб топмоқда дея амирларни кўрқоқликда айблаб олға босади. 1457 йил 13 декабрда туркманлардан енгиллиб қочишга мажбур бўлади. Туркманлар азалий аламларини олиб бир қанча темурий амирларини ўлдирадидлар. Мана шу жанг тавсилотида биз Астробод жангида Султон Иброҳимнинг мағлубиятининг асосий сабаби Мозандарон географияси эканлиги очиқ кўришимиз мумкин. Абдураззоқ Самарқандий шундай таъриф беради: “У мавзеъларда сув, лой, чангалзор ва тангликлар шу даражадаки, тор йўллардан битта суворийдан ортиқ одам ўтиши мушкил ишдир; тўғри йўлдан ташқари қайси тарафгаки майл қилмасинлар, асл йўлдан узоқ кетиб қолинар ва кўпинча от ҳам одам ҳалок бўларди.”¹ Демак Астробод анча табиати ноқулай шаҳар бўлганлиги сабабли юзлаб темурий амирлар туркманлар қўлида асир тушганлигини кўриш мумкин. Манбанинг бошқа бир ўрнида шундай ёзилади: “Унинг енгилганлиги хабарини ўша кечаси (мирзо Султон Абу Саъидга) етказдилар ва башорат ноғораси тантанасини баланд осмон авжидан ўтказдилар. Ҳазрат хилофат панохий шоҳона ўрдуни ўша фатҳ хабари етиб келган манзилда тўхтатди-да, хос кишилару сараланган яқинлари билан Астробод шаҳрига ташриф буюриб Гулафшонга тушди ва шод-хуррамлик ҳам базмга берилди. Бир неча кундан кейин денгиз соҳилига бориб, бир қайиқчага ўтирди-да, у ердан сузиб катта кемага ўтди, эртадан кечгача айш-ишрат қилиб, сўнг яна денгиз соҳилидан Астробод шаҳрига қайтиб келди, у мамлакатни суюрғол тартибида азиз фарзанди, подшоҳлик денгизининг дурри, жаҳонпаноҳлик осмонининг юлдузи бўлмиш Мирзо Жалолуддин Султон Маҳмуд²га топшириб, Хуросон мамлақати томон қайтди³. Бу матнга эътибор қаратсак Астробод шаҳридан денгизга чиқиш имкони бўлган ва олдиндан тайёрлаб қуйилган кемалар бўлса бемалол қочиш имкони пайдо бўлади. Денгиз яқинлиги сабабидан ёғингарчилик ҳам кўп бўлиб турганлигини қўйидаги матн тасвирлайди. “Мозандарон вилояти фатҳ этилганлиги варақларни ёзиб тўпловчи (Абдураззоқ) мирзо Султон Ҳусайннинг ишончли кишиларидан

¹ Самарқандий, Абдураззоқ. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. К.П/ Абдураззоқ Самарқандий; Форс тилидан тарж., сўзбоши ва изоҳлар муаллифи А. Ўринбоев; Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. O'zbekiston, 2008. -832- б. 431

² Заҳириддин Муҳаммад Бобур Бобурнома. – Ҳозирги ўзбек тилига таъдил қилганлар: Ваҳоб Раҳмонов, Каромат Муллаҳўжаева.- Тошкент: “O'zbekiston” НМИУ, 2019. -37 б

³ Самарқандий, Абдураззоқ. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. К.П/ Абдураззоқ Самарқандий; Форс тилидан тарж., сўзбоши ва изоҳлар муаллифи А. Ўринбоев; Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. O'zbekiston, 2008. -832- б. 495-б

эшитишича, мирзо чекинишга отланган у кечада, кечқурундан то эртаси куни намозшом вақтигача отлар кўкрагигача сув ва лой кечганлар, ёмғур тўфон янглиғ ёғиб турган ва қай тарафдан мақсадга эришиш ҳам маълум бўлмаган, (аммо) ҳақиқатда ана шунинг ўзи мақсадга етказган.¹ Бундан ташқари бу шаҳар орқали Моворуннухрга қочиш имкони ёки тоғли йўллар орқали туркман мулкларига ўтиш мумкин бўлган.

Мозандарон мамлакатига киргач, Мирзо Султон Ҳусайн журъат кўрсатиб, Астробод шаҳридан ташқари чикди ва Харосхона қаряси ва Султанонобод саҳросигача илгари юрди. Аммо унинг лашкари зафарпаноҳ сипоҳга нисбатан жуда ҳам оз бўлганлиги ва қарши туриш амри маҳол эканлиги туфайли мирзо Султон Ҳусайн юриш жиловини, балки қочиш тулпорини ўзининг қадим бошпанаси Адоқ юрти томон бурди ва хайлу хашам ҳам ногораю байроқлари билан саломат қутилиб кетди². Бу маълумотга қарасак Астробод олдида Султанонобод саҳроси ва Адоқ яйлови борлигини билишимиз мумкин. Адоқ сўзи тугаш жойи деган маънони билдиришини инобатга олсак бу яйловлар денгиз атрофида сув билан туташган бўлганлаги кўринади. Султон Абу Саъид Астрободга кирганда 1461-1462 йилларда амир Халил бир неча йил давомида Сеистон мамлакатига фармон юритувчи бўлиб, унинг мавқеи у ерлар тараққий топгач, Ҳиротни қамал қилиш учун лашкар тортди Хуросонни эгаллаш хаёли унинг димоғидан ўрин олди қачонки у жаҳонпаноҳ даргоҳда ҳозир бўлса, гавжум бўлар, у кетганда эса бир гуруҳ кишилардан бошқа ҳеч ким қолмасди деб маълумот беради. Султон Абу Саъид уни қатл этишга жазм қилгач, у мулозамат курсатиш учун уй эшигига келганида уни алоҳида бир хилватга олиб кириб, умр кунини қисқартирдилар ўғиллари ҳам оталари кетидан жўнадилар.

Ҳазрат хилофат паноҳий амир Халилнинг хоинлиги ишидан хотиржам бўлганидан кейин илтифот шуъласини Жалоир элини йўқотишга қаратди. Жалоир эли кўп вақтлардан бери у вилоятда юрт ва мақом тутган бўлиб, у мулкнинг ҳаммасини мутлақ ўз мулки деб билар, уларнинг гала ва рамалари кўп, мавоший ва ҳавоший лари беҳисоб тўпланган эди. Уларнинг хаёлида шундай кўринар эдики, улар хоҳламаган ҳеч бир ҳоким у мулкда туриши мумкин эмас эди. Улар хунрезлик ва фитначиликни доимо ўз шиорлари қилиб олиб, ғорату торождан бошқа бир иш қилмас ва табиатан мирзо Султон Ҳусайннинг талабдори бўлиб, пинҳону ошкоро унга майл ва муҳаббат билдирар эдилар.

Ҳазрат хилофат паноҳий яхши бир тадбир қўллаб, уларнинг гарданкашлари оёгини тақдир занжири билан боғлаш ва у мамлакат юзасини у жамоат

¹ Ўша асар 494-б

² Ўша асар. 520-б

заҳматидан озод қилишни истади ҳамда тавочи амирларга «жалоир эл ва улусига у вилоятда алуфа ва суюргол тайин қилинади» деб уларга башорат етказинглар деб буюрди. Бахшийлар жалоирларнинг сон ва аломатларини (ҳисобга) олиб, бир неча кун шу ҳақда савол-жавоб билан машғул бўлдилар ва уларни қўлга тушириш учун гумошталар тайинлаб қўйдилар. Тайин қилинган бир куни жалоир қавми Гулафшонга кириб келдилар ва барчалари муқаррар қилинган тарзда қўлга тушдилар. Майдон бошида ҳаммаларининг гарданларини чошиб, каллалардан миноралар ясадилар ва бошқа бевоблар жонига олов ёкдилар¹. Демак Астробод пойтахтдан четда бўлганлиги учун Амир Ҳалилдек кучли шахсларни айнан шу шаҳарда йўқотиш ишлари олиб борилган ва уларнинг ёрдам олиш имкониятлари чекланиб бемалол бундай шахслар бемалол ўртадан кўтарилади.

Ҳусайн Байқаро тахт орзусида юрган вақтда жалоир қавмидан ва Журжон ҳудудида юрган бошқа сипоҳийлардан мингга яқин отлик келиб, Астробод мамлакатини эгаллашга қизиқтирадилар. Уларнинг сўзлари манбада қўйидагича келади: «Туркмоннинг кўпчилик улуғ амирларидан кўра юксак ва устунлик мақомига эга ва ҳозир Журжон ўлкасида ҳукумат байроғини кўтариб, ҳеч кимни назар-писанд кўзига илмаётган Ҳусайн Саъдду шояд кутлуғ кўнгил юзланиши шарофатидан мағлуб бўлса-ю, шу билан бошқа туркмонларда ҳам Хуросонда турмок мажоли колмай, меросий мамлакатлар гулзори муҳолифлар исёни хас-хашагидан тозаланиб, читатой улусининг амирларидан қай бири қай юртда юрган бўлишса, олампадох даргоҳни ўзининг бошпанаси ўрнида билса»².

Бу маълумотдан кўринадики Туркман мулкларининг ўзига хос дарвозасини эгалланишининг Туркманларнинг Озарбайжондан келадиган ёрдамларини маҳрум қилади. Салтанатдан қочиб юрган Амирлар ҳам айнан Астрободга йиғилиши сабаби табиий шароити туфайли бу ҳудудда хавф хатардан холи бўлиш эҳтимоли юқори бўлган.

¹ Ўша асар 522-б

² Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир Ҳабиб ус -сийар фи ахбори афроди башар. Тошкент “O'zbekiston” 2013 б- 1265. 678-бет

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Гиёсиддин ибн Хумомиддин Хондамир Ҳабиб ус -сийар фи ахбори афроди башар. Тошкент “ O‘zbekiston” 2013 б- 1265. 678-бет
2. Заҳриддин Муҳаммад Бобур Бобурнома. – Ҳозирги ўзбек тилига таъдил қилганлар: Ваҳоб Раҳмонов, Каромат Муллаҳўжаева.- Тошкент: “ O‘zbekiston” НМИУ, 2019. -37 б
3. Самарқандий, Абдураззоқ. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. К.П/ Абдураззоқ Самарқандий; Форс тилидан тарж., сўзбоши ва изоҳлар муаллифи А. Ўринбоев; Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. O‘zbekiston, 2008. -832- б. 431
4. <https://islamdusunceatlas.org/mekanlar/esterabad/137>